

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭЛИЕВА МЕХРИНИСО ФАХРИТДИНОВНА

**БОЛАЛАРДА I ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН ТЎСАТДАН ЎЛИМ
ҲОЛАТЛАРИДА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Элиева Мехринисо Фахритдиновна

Болаларда I тип қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларида суд
тиббий

экспертиза..... 3

Элиева Мехринисо Фахритдиновна

Судебно-медицинская экспертиза скоропостижной смерти детей от
сахарного диабета I типа.....

20

Elieva Mehriniso Fakhriddinova

Forensic medical examination of the sudden death of children from type I
diabetes

37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭЛИЕВА МЕХРИНИСО ФАХРИТДИНОВНА

**БОЛАЛАРДА I ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН ТЎСАТДАН ЎЛИМ
ҲОЛАТЛАРИДА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib977 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиев Шерзод Ибадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Машаринов Азамат Собирович
тиббиёт фанлари доктори

Махсумхонов Қулфиддин Аъзамхонович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Абу али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат
тиббиёт университети (Тожикистон)

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ракамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил « 10 » 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (832 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил « 21 » 02 да тарқатилди.
(2022 йил « 21 » 02 даги 4 ракамли реестр баённомаси).



Шайхова
Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимухамедов
Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Саидов
А.Б.Саидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар беш сонияда қайси бир эндокринологик хасталик билан касалланган беморлар вафот этса, фақатгина диабет туфайли ҳар йили 5 миллионга яқин ўлим қайд этилади. Суд-тиббиёти амалиётида, касаллик натижасида ўлим гумон қилинса, қандли диабет ташҳисини тасдиқлаш зарурати бўлган ҳолатлар тез-тез учраб туради. Мурда ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмаган, қариндошлардан касаллик тарихини йиғиб бўлмайдиган ёки ҳаёт давомида одам ўз касаллиги ҳақида билмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ҳолларда қандли диабетнинг ўлимидан кейинги ташҳисни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Ўлимдан кейин диабет касаллигини ташҳислаш кесма материалдан фойдаланганда анча мураккаб бўлиб, бу ўз навбатда ўзига хос морфологик ўзгаришларнинг йўқлиги билан тавсифланади. Бундай ҳолатларда қандли диабетнинг ўлимдан кейинги таҳлили муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Амалда, углевод алмашинувини баҳолаш учун орқа мия суюқлигидаги ёки шишасимон танадаги глюкоза, кетон моддалари мурда қонида ёки бошқа суюқликларда текширилади. Қандли диабетнинг суд-тиббий ташҳисотидаги қийинчиликлар, бундан ташқари, касалликнинг турли этиологияси билан боғлиқ бўлиши, ҳаёт давомида диабетнинг атипик кечиши, ташҳис қўйиш учун аниқ тартибга солинган қоидаларнинг йўқлиги қийинчилик туғдиради. Қандли диабетга хос бўлган ўзгаришлар углевод алмашинувида таъсир қилувчи бошқа касалликлар билан бирга боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Гликирланган гемоглобин таркибини биокимёвий тадқиқ қилиш экспертга қандли диабетда қондаги глюкоза миқдорини ретроспектив баҳолаш имконини беради. Юқоридагиларни инобага олиб, болаларда биринчи турдаги қандли диабетда тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизасини амалга ошириш замонавий суд тиббиётнинг энг муҳим ва долзарб муоммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда биринчи турдаги қандли диабетда тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизасини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатлари суд тиббий экспертиза хулосаларини ретроспектив таҳлил қилиш, болалар мурдасида биринчи тур қандли диабет ташҳисланган ички аъзолар патологик ҳолатларини, қандли диабет мавжуд болалар ўлимида интоксикация кўрсаткичларини ҳамда болалар мурдасида қандли диабет негизида қўшимча суяк метабализмининг биокимёвий ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, турли соматик касалликларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини ошириш, жумладан, болаларда қандли диабет асоратлари таъсирида тўсатдан ўлимнинг суд-тиббий ташҳислашни янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган

муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда болаларда биринчи турдаги қандли диабетда тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизасини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда 1-тип қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизаси турли ўзгаришларни узоқ (Bassett J.H., et all, 2010; Cardoso L.F., Maciel L.M., de Paula F.J., 2014; Javed Z., Sathyapalan T., 2016; [Junguee Lee.](#), et all, 2016) ва яқин хориж (Родзаевская Е.Б., 2002; Труш В.В., Соболев В.И., 2003; Nikishin D.V., 2010; Оганян А.В., 2010; Ночевная Л.Б., Павленко О.А., Калинина О.Ю., Столяров В.А., 2011; Мехоношин Е.П., 2012; Камилов Ф.Х. ва бошқ., 2018) олимлари илмий адабиётлари шарҳининг кўрсатишича, эндокринологик касалликлар орсиди қандли диабет биринчи ўринда турса, 1-тип шакли диабет сонининг 61%ни ташкил қилади. Мавжуд адабиётлар манбаларида 1-тип қандли диабеттаъсирида периферик қон айланишининг бузилиши, микроцеркуляция жараёнини издан чиқиши натижасида деярли барча аъзо ва тўқималарида алмашинув жараёнлари бузилади. Айрим адабиётларда ушбу бузилишлар даставвал капеляр деворининг ностабиллигини сабаб этиб кўрсатса, биринчи гуруҳ олимлар периферик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

иннервация бузилиши билан боғлайдилар. 1-тип қандли диабетда аксарият ҳолатларда юрак-қон томир тизими асоратланиши замирида қандли диабеттаъсирида эндотелий хужайраларининг диффуз ўзгаришлари натижасида вужудга келади. Шунингдек буйрак патоморфологик ўзгаришлари билан боғлиқ фикрлар кўплаб илмий натижаларга тадқиқ қилинган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қандли диабет таъсирида организмда полеорган асоратлари ривожланиши маълум бўлди. Булар таъсирида тўсатдан ўлим ҳолатларини ривожланишига олиб келиш механизмларини янада чуқурроқ ўрганиш юқори долзарблик касб этади.

Ўзбекистонда эндокрин етишмовчилик таъсирида қандли диабет таъсиридаги асоратларнинг морфологик кўрсаткичларини баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Рузиев Ш.И ва бошқ., 2016; Искандаров А.И., 2001; Индиаминов С.С, 2009; Кулдашев Д.Р. ва бошқ, 2014), аммо, болаларда биринчи турдаги қандли диабетда тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизаси такомиллаштирилмаган.

Таъкидлашимиз жоизки, режалаштирилган тадқиқот иши ташҳислаш-даволаш стандартларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга татбиқ этишга бағишланган. Шундай қилиб, 1-тип қандли диабет таъсиридаги тўсатдан ўлимга олиб келувчи ўзгаришларни эрта ташҳислаш ва бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш учун кейинги тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03.191-01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда 1-тип қандли диабет асоратлари таъсирида тўсатдан ўлимнинг суд-тиббий ташҳислаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда тўсатдан ўлим ҳолатлари суд тиббий экспертиза хулосаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

биринчи тур қандли диабет ташҳисланган болалар мурдасида ички аъзолар патологик ўзгаришларини суд тиббий баҳолаш;

болалар мурдасида биринчи тур қандли диабетнинг интоксикация кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш;

болалар мурдасида қандли диабет негизида суяк метоболизми ўзгаришларини суд тиббий ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент шаҳар филиалида 298 нафар 1-тур қандли диабетдан вафот этган мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза

хулосаларининг ретроспектив таҳлили ва мазкур ҳолатларда шахсий ўтказилган 69 нафар мурдалар экспертиза хулосалари, 101 нафар қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанган беморлар ва уларнинг тиббий ҳужатлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар филиалида қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларнинг суд тиббий экспертиза хулосалари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Болаларда биринчи тур қандли диабетдан тўстадан ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизани баҳолашда ретроспектив, макроскопик, морфологик, гистокимёвий, биокимёвий, гистологик ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республика миқёсида сўнги 5 йилдаги маълумотларга кўра, болаларнинг 1-тип қандли диабет асоратларидан тўсатдан ўлими 7,2% ни ташкил этиши исботланган;

болаларда тўсатдан ўлим келиб чиқиш механизмида 1-тип қандли диабет асоратларининг ўрни ва уларнинг аҳамияти асосланган;

қандли диабетни мавжуд болаларда ички аъзолар ҳамда суяк тўқималаридаги морфологик ва биокимёвий ўзгаришларнинг ривожланиш механизмлари исботланган;

1-тип қандли диабетидан тўсатдан ўлим ҳолатларида гликирланган гемоглобин ва суякланиш маркерларининг ўзаро боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

болалар тўсатдан ўлими ҳолатларини 7,2% ни 1-тип қандли диабетнинг асоратлари асосида ривожланиши кўрсатилган;

болаларда тўсатдан ўлим келиб чиқиш механизмида 1-тип қандли диабетнинг ички аъзоларга чуқур патоморфологик асоратлари тизимлаштирилган;

1-тип қандли диабетда болаларда ички аъзоларда ва суяк тўқималаридаги ўзгаришларни биокимёвий таҳлиллари мувофиқлигидан фойдаланиш амалиёти жорий этилган;

тўсатдан ўлим ҳолатларида 1-тип қандли диабетнинг организмга таъсири гликирланган гемоглобин ва суякланиш маркерларига таяниш тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган материаллари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, биокимёвий, гистокимёвий усуллари баҳолаш ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, биринчи тур қандли диабетни суд-тиббий баҳолаш усуллари такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан

таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти болаларда қандли диабетнинг биринчи тур ҳаёт учун муҳим аъзоларда асоратларнинг иккинчи болалик даврида келиб тўсатдан ўлим ривожланишига олиб келиши ва айниқса касалликнинг яширин кечишини гликирланган гемоглобин миқдори ва суякланиш маркерларига қараб асослашнинг назарий механизмларнинг ўрни ва методологик услуби такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти болаларда биринчи тур қандли диабетнинг асоратланган ҳолати, шунингдек, тўсатдан ўлим ҳолатининг келиб чиқиши туфайли суд-тиббий мезонларни ишлаб чиқиш, қонда гликирланган гемоглобин ва суякланиш маркерлари ўзгаришининг тўғри пропорционаллигини баҳолаш тизимининг амалий аҳамиятининг ўрни асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда биринчи тип қандли диабетдан тўстадан ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизани баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда биринчи тур қандли диабетдан тўстадан ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизаси бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Зўраки бўлмаган ўлимда ва диабетик комада ўлим сабабларни дифференциаллаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/337-сон маълумотномаси). Натижада зўраки ўлим ва диабетик комадан юзага келган ўлимнинг сабабларини баҳолаш орқали ўлимнинг олдини олиш имконини берган;

болаларда биринчи тур қандли диабетдан тўстадан ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизаси бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Морфологик белгилар асосида қандли диабетни эксперт ташхисоти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/337-сон маълумотномаси). Натижада қандли диабет таъсирида аъзолардаги морфологик ўзгаришлар келиб чиқиши ҳамда бу ўзгаришларнинг болаларда тўсатдан ўлимга олиб келишини фундаментал асослаш имконини берган;

болаларда биринчи тип қандли диабетдан тўстадан ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизани баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг филиаллари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 08–09/21550–сон маълумотномаси). Натижада болалар мурдасида қандли диабет негизида суяк метоболизмининг биокимёвий ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишда биринчи тур қандли диабетда болалар товон суягининг структур-функционал кўрсаткичлари, гликирланган гемоглобин ва суякланиш маркерларининг

ўзаро узвий ўзгариши касалликнинг кечиш давомийлиги ва балоғат даврида бола гормонал ҳолати интенсивлиги билан боғлиқлиги асослашш ҳамда суд тиббий экспертиза сифатини яхшилаш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суд тиббиёти экспериасида қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларини баҳолашнинг замонавий масалалари**» деб номланган биринчи бобида I тип қандли диабетнинг назарий томонлари таҳлил қилинган ва бу борадаги тадқиқотлар тизимлаштирилган. I тип қандли диабетнинг замонавий клиник ҳолати ва патоморфологик ташхисоти хронологик аспектда тўлиқ баён этилган. Болаларда I тип қандли диабет фонидида қўшимча суяк метабализмининг биокимёвий ташхислаш усуллари ҳақидаги маълумотлар, суд-тиббий экспертиза ва морфологик текширув усулининг истикболлари алоҳида ёритилган, шунингдек, мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Болаларда биринчи тур қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий баҳолашнинг тадқиқот материали ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида диссертацияда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усуллари тўлиқ баён этилган.

Мазкур иш асосини 2014-2018 йиллар мобайнида 298 нафар тўсатдан вафот этган мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза хулосалари ташкил қилган. Ушбу экспертиза хулосаларининг ретроспектив таҳлиллари амалга оширилган, шунингдек 69 нафар тўсатдан вафот этган мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза хулосаларининг спектив таҳлиллари амалга оширилди.

1-тип қандли диабет ва унинг асоратларидан вафот этган 69 нафар мурдаларнинг экспертиза хулосаларининг таҳлиллари ўтказилганда, уларнинг 38 нафари қизлардан иборат бўлса, 31 нафарини ўғил болалар ташкил этган. Уларнинг барчаси фақат иккита ёш гуруҳига мансуб болалардан иборат (8-11 ёш - 42 (60,9%); 12-15 ёш - 27 (39,1%)) бўлган.

Шунингдек биокимёвий таҳлиллар кўрсаткичларнинг ахборотлилигини верификациялаш мақсадида Республика эндокринология илмий-амалий марказида қандли диабетнинг 1-тури билан махсус рўйхатда туриб даволанувчи 7-15 ёшгача бўлган 101 нафар болалар ва уларнинг касаллик тарихлари, ҳамда қоннинг биокимёвий ўзгаришлари ва товон суякларининг ультратовуш денситометрияси натижалари таҳлиллари амалга оширилган.

Тадқиқот учун мурдаларни текшириш суд-тиббиёт амалиётида анъанавий ҳисобланган усулларда амалга оширилди. Мурдани ташқи текширишда антропометрик кўрсаткичлардан бўй узунлиги, вазни, тери ости ёғ қаватининг қалинлиги, тана конституцияси, ташқи тери ва шиллик пардаларнинг ҳолати кўздан кечирилди. Терининг қопламлари кўздан кечирилди. Ички аъзолар махсус шароитда батафсил текширилди. Алоҳида аъзолардан юрак, жигар, ошқозон ости беши, мия бўлақлар ва томирлардан анмуналар олинди. Барча маълумотлар асосида экспертиза хулосалари шакллантирилди.

1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда скелет тўқималарининг структуравий ва функционал хусусиятларини ўрганишда биз ультратовуш остеоденситометрия таҳлил усулидан фойдаландик. Остеоденситометрия General Electric Medical Systems (АҚШ) ултратовушли остеоденситометр ёрдамида амалга оширилди. Трабекуляр суяк тўқимаси (товон суяги) архитектурасининг сифат ва қандли диабетда параметрлари аниқланди: 1) ултратовушнинг тарқалиш тезлиги (УТТ, м / с) - суякнинг эластиклиги ва зичлигига боғлиқ; 2) кенг тасмали ултратовуш сусайиши (КУС, дБ/МГц) - СТ зичлигини, трабекуляр суякнинг сонини, ҳажмини ва фазовий йўналишини акс эттиради; 3) СТ нинг қаттиқлиги ёки зичлик кўрсаткичи (ЗИ СТ,%) – ғовак СТ ҳолатини тавсифлайди.

Ишда қуйидаги текширув усулларида фойдаланилган: ретроспектив ва спектив текширув усуллари; қонда гликирланган гемоглобин (HbGlc)нинг нисбий миқдорини фотометрик аниқлаш; секцион текширув-умумморфологик текширув усуллари; шунингдек, ишда кўп ўлчовли статистик таҳлил усулларида фойдаланилди. Шунингдек суякнинг резорбция маркери – ишқорий фосфатаза ва ремодуляция маркери - β -СТХ «ELISA» фирмаси реагентлари ёрдамида ўрганилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган функцияларини қўллаган ҳолда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Болаларда тўсатдан ўлим ҳолатида 1 тип қандли диабетни суд-тиббий баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида 298 нафар тўсатдан вафот этган мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза хулосаларининг ретроспектив таҳлилида, асосан 1-тип қандли диабет учун қандай патоморфологик хусусиятлар энг муҳим эканлиги ва улар кўпроқ қайси аъзоларда яққол намоён бўлишини аниқлаш имконини берди.

Таҳлиллар натижасида қандли диабетга хос бўлган информатсион морфологик белгилари аниқланди ва улар қайд этиб борилди.

Мурдаларни текшириш материалларига кўра, объектларнинг ташқи белгилари углеводлар алмашинуви бузилганлигидан далолат бериши қайд этилди.

Эксперт хулосаларида аутопсия натижасида олинган қон таҳлилларига биноан 32,3% мурдаларда ўлим вақтидан узоқлашмасдан глюкоза миқдори аниқланиб, $13,35 \pm 0,21$ ни ташкил этди.

Тадқиқ этилган мурдалар ҳужжатларида фақат 263 нафари (88,4%) да маълумотларнинг ўта аниқлик билан тўлиқлиги, яъни гликирланган гемоглобин таҳлили мавжудлиги аниқланди.

Қандли диабет касаллиги деярли барча аъзоларни вазифасини ўзгартиради. Зарарланиш юрак, бош мия ва бошқа аъзолар қон – томирларида содир бўлади. Биринчи навбатда зарарланадиган аъзолар бу, юрак, жигар, ошқозон ости беши ҳисобланади.

Қандли диабетда углевод алашинувининг бузилиши оқибатида келиб чиққан ўлим ҳолатини гистологик текшириш учун, тиббий – гистологик лабораторияларда қуйидаги материаллардан фойдаланилади: булар бош мия, миокард, аорта, ошқозон ости беши, жигар ва буйрақлар. Бош мия қон томирлари текширилади. Улар ингичкалашган, эластик, қалинлашган, зичлашган ва буришган бўлиши мумкин. Бош мия қон томирларида бляшкалар борлиги аниқланиши мумкин. Шунингдек юракнинг хажми ва ўлчамига эътибор берилади. Миокарднинг ўчоқли ўзгаришлари, миокард томирларини қон билан тўлиши, тож томирлар ва аортанинг атеросклеротик ўзгаришлари ўрганилади. Жигар ва ошқозон ости беши тўқималарида патологик ўзгаришлар бор ёки йўқлигига аҳамият берилади.

Гликирланган гемоглобин глюкозадан фарқли равишда энг аниқ кўрсаткич. Бу кўрсаткич 2 ой аввалги қанд миқдорини тавсифлайди. Гликирланган гемоглобин меъёрий концентрацияси умумий гемоглобин миқдоридан 4,2 – 6,2% ни ташкил этади.

Текширув вақтида қуйидаги натижаларни аниқладик. 3 та ҳолат натижаларига кўра қон таркибидаги қанд миқдорини аниқлашни иложи бўлмади. 68,6% ҳолатларда гликирланган гемоглобин таркиби меъеридан

ортганлигини кўрсатди. 22,9% ҳолатда наъмуналар HbA1c даражасини кўрсатди. 8,6% ҳолатда гликирланган гемоглобин пасайганлиги кузатилди.


Умумий гемоглобиннинг 7-8% қийматига эга бўлган гликирланган гемоглобин натижалари аллақачон углевод алмашинувининг бузилишини кўрсатади. Шунга қарамай, биз тананинг ўзгаришларни қоплашини, яъни компенсацион механизмлар пайдо бўлишини тасдиқлашимиз мумкин.

Бизни қизиқтирган мурдалар секцион материалларининг тиббий – гистологик хулосаларини текшириш натижасида қуйидагиларни, яни гликирланган гемоглобин миқдориюқори бўлган шахслар миокардида ўчоқли ўзгаришлар мавжудлигини аниқладик. Бу ўзгаришлар майда ўчоқли периваскуляр кардиосклероз, диффуз периваскуляр кардиосклероз, фибролипоматоз, липоматоз кўринишида ифодаланади.


Кардиосклероз ўчоқлари 12 та мурда материалида кузатилади. 2та мурдада фибролипоматоз ўчоқлари, 7 та мурдада периваскуляр липоматоз аниқланди. Шундай қилиб, гликирланган гемоглобин миқдори юқори бўлган барча мурдаларда миокарднинг ўчоқли ўзгаришлари кузатилади.

Демак, қандли диабеткасаллигида миокард тўқимасида патологик ўзгаришларнинг ривожланиши мумкин деб айтишимиз мумкин. Шунинг учун углевод алмашинуви ўзгаришларини аниқлаш мақсадида миокард тўқимаси гистологик текширувдан ўтказилиши керак.

Ошқозон ости бези, инсулин гормонини синтезловчи аъзо бўлиб, Қандли диабет касаллиги ривожланиш даврида жиддий патологик ўзгаришларга дуч келади. 1-тип қандли диабетда ошқозон ости безининг оролча аппарати ҳалокати билан тавсифланади. Аъзонинг гистологик текширувида без хужайраларининг саёзлашиши, оролчаларнинг бириктирувчи тўқима билан алмашилиши кузатилади (1 ва 2-расм).



1-расм. Ошқозон ости безининг дум қисми, ГЭ. К.400.



2-расм. Лангерганс оролчаси бўлакчалар ва улар орасидаги ўчоқли фиброз ва яллиғланиш инфильтрацияси. ГЭ. К.200. Бош мия томирларининг таҳлил натижалари.


Суд тиббий – гистологик текширув натижаларида биз қуйидаги маълумотларни олдик. Гликирланган гемоглобин миқдорининг ортиши ошқозон ости бешида патологик ўзгаришларга яъни ошқозон ости беши стромасида ўчоқли липоматози, перидуктал фиброз, ошқозон ости безининг бириктирувчи тўқима билан диффуз қопланиши, ошқозон ости беши фиброгиалинози, некроз ўчоқлари кўринишида намоён бўлади.

Гликирланган гемоглобин миқдориюқори бўлган барча мурдаларда ошқозон ости беши тўқимасида патологик ўзгаришлар аниқланди. 64,3% холларда бу ошқозон ости беши фибрози, 35,7% кўрсаткичда липоматозлар, 21,4% да ошқозон ости беши ҳақида маълумотлар йўқ. 14,2% ҳолатда аъзонинг ўчоқли некрози аниқланди.


Бош мия томирлари таҳлилида қон томирлар деворларининг ингичкалашиши, петрификатлар мавжудлиги, томир деворлари фиброгиалинози, микротромблар, атеросклеротик ўзгаришлар аниқланди. Гликирланган гемоглобин миқдориюқорилигига кўра, томир деворларидаги ўзгаришлар яққол ифодаланган. Гликирланган гемоглобин миқдори кўрсаткичлари паст бўлган мурдаларда (9%гача) патологик ўзгаришлар камроқ намоён бўлган. Бу эса компенсатор механизмлар ва бошланғич босқичларни кўрсатади (3 ва 4-расм).

21,4% мурданинг бош мия томирларида патологик ўзгаришлар йўқ. 7,1% да артерия томирларининг бошланғич ўзгаришлари – ингичкалашиши кузатилди. 28,5% ида фиброз бляшкаларининг аниқланиши, чуқур патологик ўзгаришларнинг мавжудлигини кўрсатади. 7,1% мурдада фиброз бляшкаларининг асоратланган ўзгариши яъни ошқозон яраси, қон лахталарининг мавжудлиги, қон қуюлишлар кузатилган. Атеросклерознинг

яқуний босқичи бўлиб, кальциноз, атерокальциноз 14,2% мурдада кузатилди. Бу мурдаларда гликирланган гемоглобин миқдори умумий гемоглобиндан 13%дан ортади.



3-расм. Бош мия капиллярлари девори фиброз ва гиалинози, ГЭ.К.400.



4-расм. Бош мия пўстлоғида капиллярлар тўри, толуидин кўки. К.400.

Суд тиббий – гистологик натижаларни текшируви вақтида, юрак томирлари ҳолатларига аҳамият бердик. Мурдаларда тож артериялар атеросклерози, атерокальциноз босқичидаги атеросклеротик бляшкалар, коронаросклероз, тож артерияси интима атероматози, склероз, интрамурал артериялар ва артериолалар гиалинози, баъзи ҳолатларда инфаркт миокард майдонлари, фибриноз бляшкалар, фокусли кальцинозлар таъсири остида артерия деворлари қалинлашиши.

Гликирланган гемоглобин миқдори юқори бўлган барча мурдаларда юрак томирларида патологик ўзгаришлар ўз ўрнига эга.

Гистологик текширувларни ўрганиш натижасида биз қуйидаги маълумотларни аниқладик. 71,4% ҳолатларда тож артериялар атеросклеротик ўзгаришларга учраган. 21,4% ҳолларда атеросклеротик бляшкалар бошқа тож артерияларда аниқланди. 7,2% ҳолатда мурда томирида патологик ўзгаришлар аниқланмади. 7,2% ҳолатда атеросклеротик бляшкалар атерокальциноз босқичида аортада аниқланди. Қандли диабеткасаллигида томирлар миокард тўқимасидан кам зарарланмайди. Томирларда атеросклеротик бляшкалар ривожланишни бошлайди ва сўнгги босқичда атерокальциноз ҳолатига келиб қолади. Бу эса артерия бўшлиғи торайишига ҳамда турли ҳил асоратларга, хаттоки летал ҳолатга ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек суд тиббиёти амалиётида юрак томирларининг текшируви асосий компонентлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Болаларда 1-тип қандли диабет асоратларининг лаборатор ва денситометрик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида беморлар қонида глюкоза ва гликирланган гемоглобин миқдорларининг ўзгаришлари таҳлил қилинган. Тадқиқот учун танланган биокимёвий текшириш усуллари ҳақиқатда мурдада таҳлил олиб бориш учун информатив ҳисоблансада, барибир тирик организмдаги аниқликни кутиш қийин. Чунки бу аниқлик, ўлим муддати, сақланган шароит ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади.

Бемор болаларнинг венасидан олинган қон таркибида глюкоза миқдори аниқланди. Бунга зид равишда мурдаларда бу кўрсаткич ёки паст (гипогликемия), ёки аниқланмайди (1-жадвал).

1-жадвал

1-тип қандли диабетда глюкозанинг миқдор кўрсаткичи (ммоль/л)

Тадқиқот гуруҳлари	Глюкоза (ммоль/л)
назорат	4,9±0,52
Тирик болалаларда	11,3±2,56***
Экспертиза хулосаларида (мурдаларда)	2,7±1,04**

Изоҳ: (** - P<0,01, *** - P<0,001 назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишонарлиги).

Текширилган мурдаларидаги қондаги глюкоза миқдори бошқа сабаб билан вафот этган шахсларига нисбатан 2,1 барабар юқори бўлган, бу уларнинг қандли диабетбилан касалланганлигини кўрсатади. Қандли диабетбилан оғриган мурдаларда қондаги глюкоза даражаси 13,9% га ўсган, аммо фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эди (P>0,05).

Шунингдек, мурдаларнинг қонидаги глюкозаланган гемоглобин даражасини аниқлаш ҳам мажбурийдир, чунки гемоглобин структур барқарорлик даври 4 ойгача чўзилишини инобатга олсак бу тадқиқот қондаги

глюкоза даражаси ўлимдан олдин қанча вақт кўтарилганлигини аниқлашга имкон беради.

Бизнинг тадқиқотларимизда қондаги гликирланган гемоглобин миқдори ўлимдан кейинги ҳафта давомида, ҳам назорат гуруҳида, ҳам диабет билан оғриган беморларда барқарор бўлиб қолди, бу адабиёт маълумотларига мос келади. Назоратда гликирланган гемоглобин миқдори $4,9 \pm 0,27$ мкмол фр/г Нб, қандли диабетбилан оғриган беморларда у икки барабар юқори - $9,84 \pm 0,52$ мкмол фр/г Нб.

Глюкозаланган гемоглобин даражасига кўра, биз ўрганилган барча қон намуналарини 4 гуруҳга ажратдик: яхши компенсацияланган кўрсаткичлар (4,9-7,7% Нб Алс), этарли даражада компенсацияланган кўрсаткичлар (8,2-10,2% Нб Алс), қисман компенсацияланган 10,3-11,4 % Нб Алс), декомпенсацияланган кўрсаткичлар (12% ёки ундан кўп Нб Алс) (2-жадвал).

Иккала ҳолатда ҳам глюкозаланган гемоглобин даражаси ортиб кетиши аниқланди. Биринчи ҳолда, глюкозаланган гемоглобин даражаси умумий гемоглобиннинг 62% га тенг эди. Шу билан бирга, глюкоза даражаси ҳам кўтарилди - 109 ммол / л., Аммо карбамид ва креатинин контсентрацияси нормал чегараларда ва ундан ҳам пастроқ эди (мос равишда 3,6 ва 0,08 ммол). Ушбу ишнинг суд-тиббий ташхиси - ўткир юрак-қон томир этишмовчилиги, коронар артерия касаллиги, сурункали ишемик юрак касаллиги. Бундай ҳолда, кўринишидан, кейинги тадқиқотлар учун қадавра қонини олиш ва ташиш усулининг бузилиши ҳақида ҳам гапириш мумкин.

2-жадвал

Гликирланган гемоглобиннинг мўтадиллашув даражалари

НбАлс даражаси (умумий Нб/%)	Компенсация даражаси	1 гуруҳ (тирик шахслар)		2 гуруҳ (мурдалар)	
4,9-7,7	тўлиқ компенсация	37	50,7%	14	11,5%
8,0-9,9	Этарлича компенсация	24	32,6%	16	16,9%
10,3-11,4	Қисман компенсация	22	10,1%	14	34,6%
12,0 ва ундан ортиқ	Декомпенсация	17	6,5%	25	36,9%
	жами	101	100%	69	100%

Шундай қилиб, қон шакар даражасини кўрсатадиган тиббий ҳужжатлар мавжуд бўлганда ҳам, суд-тиббийёт экспертлари кўпинча коронар артерия касаллиги, атеросклероз, сурункали ишемик юрак касаллиги, миёкард инфаркти ташхисини қўйишади, қандли диабетборлигига ишора қилмасдан.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, баъзи макро- ва (ёки) микроморфологик белгиларнинг мавжудлиги ёки йуклигидан қатъи назар, жасад қонида

глюкозаланган гемоглобин даражасининг ошиши қандли диабетнинг мутлак диагностик белгисидир.

Қандли диабетички органларнинг нотўғри ишлаши билан бирга келганлиги сабабли, қонда карбамид ва креатининни аниқлаш, ацетилхолинестераза фаоллигини кўрсатади.

Кўтарилган креатинин ва карбамид даражаси буйрак функцияси бузилганлигини кўрсатади. 2 та жасадда карбамид даражаси 22,2 ммол / л ва креатинин - 0,25 ммол / л ни ташкил этди, бу одатдагидан аниқ юқори эди; бу нефротоксик синдромнинг мавжудлигини кўрсатади.

Қандли диабетда суяк тўқимаси структур-функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида беморларнинг товон суягида ультратовуш денситометрия текшириши ўтказилди. Ультратовуш денситометрия текшириши таҳлили асосида 1-тип қандли диабетда назорат гуруҳига нисбатан барча кўрсаткичларнинг ишонарли ($p < 0,001$) пасайиши кузатилди (3.-жадвал).

Денситометрик кўрсаткичларнинг батафсил таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқ этилаётган патологик ҳолатда суяк зичлигининг пасайиши ёш даврларига боғлиқми, йўқми деган масаланинг ечимини топишга ёрдам беради. Тадқиқ этилаётган беморларнинг ультратовуш денситометрия кўрсаткичлари бўйича ёшга доир тафовудлари келтирилган.

Қуйида келтирилган жадвалда маълумотлар товон суяги тўқимаси зичлиги кўрсаткичининг 1-тип қандли диабетда иккинчи болалик даврида балоғат ёшига қараганда пасайишини кўрсатади.

3-жадвал

Товон суяги тўқимасининг структур-функционал ҳолати, ($M \pm m$)

Таҳлил қилинган кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=22	1-тип ҚАНДЛИ ДИАБЕТ аниқланган болалар n=59	P
Зичлик индекси (ЗИ, %)	93,11±0,82	71,52±0,74	< 0,001
Ультратовуш тўлқинининг кенг тасмали сусайиши (УКТС, дБ/МГц)	96,32±0,78	79,73±0,56	< 0,001
Ультратовушнинг тарқалиш тезлиги (УТТ, м/с)	1574,46±1,25	1523±1,52	< 0,001

Изох: P – 1-тип қандли диабетаниқланган беморларнинг назорат гуруҳи билан фарқи ишонарлилиги.

Ультратовушнинг тарқалиш тезлиги болаликнинг иккинчи даврида (8-11 ёш) 1498,94±4,06 м/сни ташкил этган бўлса, балоғат ёшига келиб 1523±1,52 м/с га етади. УТТ кўрсаткичининг иккинчи болалик даврида балоғат

давридагига қараганда сезиларли пастлиги статистик жиҳатдан ($p < 0,001$) ишонарли фарқ деб ҳисобланди.

Ультратовуш тўлқинининг кенг тасмали сусайишининг ўртача арифметик қиймати 1-тип қандли диабетбилан касалланган болаларнинг иккала ёш гуруҳларида катта ишонарли фарқ аниқланмади.

1-тип қандли диабет билан касалланган болаларнинг товон суяги структур-функционал ҳолатининг ўзгариши болаликнинг иккинчи даври ва балоғат даврларидаги тафовудлари балоғат даврида гормонал статуснинг ўзгариши билан бироз енгиллашиши ва ундан фарқли равишда дастлабки кузатув даврида назорат кўрсаткичларига нисбатан сезиларли пасайишни ифодалайди. Ушбу ҳолат суяк ремодуляциясининг турли даражада пасайганлигини билдиради (4-жадвал).

4-жадвал

Ультратовуш денситометрияси кўрсаткичларининг 1- тип қандли диабетда ёшга боғлиқлиги ($M \pm m$)

Таҳлил қилинган кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=22	1-тип қандли диабетаниқланган болалар n=59	
		2-болалик даври n=24	Балоғат даври n=35
Зичлик индекси (ЗИ, %)	93,11±0,82	64,16±2,12**	71,52±0,74
Ультратовуш тўлқинининг кенг тасмали сусайиши (УКТС, дБ/МГц)	96,32±0,78	73,47±1,53*	79,73±0,56
Ультратовушнинг тарқалиш тезлиги (УТТ, м/с)	1574,46±1,25	1498,94±4,06***	1523±1,52

Изоҳ: P – кўрсаткичлар фарқининг ишонарлилиги: *- $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$; *** - $p < 0,001$

Шундай қилиб, 1-тип қандли диабетда болалар товон суягининг структур-функционал кўрсаткичларини ўзгариши касалликнинг кечиш давомийлиги ва балоғат даврида бола гормонал ҳолати интенсивлиги билан боғлиқлиги аниқланди. Олинган натижалар суяк структур-функционал ўзгаришларининг қандли диабетнинг турли даврларида аниқланиши касаллик асоратларининг, хусусан суяк ремодуляциясининг касаллик кечиш давомийлигига боғлиқлиги бошқа аъзолардаги кузатилиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришларни прогнозлаш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

«Болаларда биринчси тур қандли диабетдан тўсатдан ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертиза» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 2014-2018 йиллар мобайнида аниқланган тўсатдан ўлим ҳолатлари суд тиббий экспертиза хулосаларини ретроспектив таҳлили натижалари асосида болалар тўсатдан ўлими ҳолатларини 37,2% ни 1-тип ҚД асоратлари ҳисобига келиб чиқиши, ҳамда аксарият болаликнинг иккинчи даврига (8-11 ёш) тўғри келади.

2. Болалар мурдасида 1-тип ҚД ташхисланганда ички аъзолар патологик ҳолатларини гистологик жиҳатдан ўрганилганда, барча мурдаларда юрак томирларида, бош миёда, жигар тўқимасида ва ошқозон ости безида касаллигининг асоратларига характерли патоморфологик ўзгаришлар аниқланади.

3. 1-тип қандли диабетининг мавжуд болалар тўсатдан ўлимида патоморфологик ўрганиш билан бир қаторда қондаги гликирланган гемоглобин, креатинин, мочевино, шунингдек суякланиш маркерларининг биокимёвий текшируви бир қатор афзалликларга эга ҳамда тўлақонли ва самарали мезон ҳисобланади.

4. Болалар мурдасида ҚД фонидида қўшимча суяк метабализмининг биокимёвий ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишда 1-тип қандли диабетда болалар товон суягининг структур-функционал кўрсаткичларини, гликирланган гемоглобин ва суякланиш маркерларининг ўзаро узвий ўзгариши касалликнинг кечилиш давомийлиги ва балоғат даврида бола гормонал ҳолати интенсивлиги билан боғлиқлиги аниқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ЭЛИЕВА МЕХРИНИСО ФАХРИТДИНОВНА

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА СКОРОПОСТИЖНОЙ
СМЕРТИ ДЕТЕЙ ОТ САХАРНОГО ДИАБЕТА I ТИПА**

14.00.24 - Судебная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib977

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Рузиев Шерзод Ибадуллаевич
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Машарипов Азамат Сабирович
доктор медицинских наук
Махсумхонов Кулфиддин Аъзамхонович
кандидат медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Таджикский государственный медицинский университет имени Абу али ибн Сина (Таджикистан)

Защита диссертации состоится «10» 05 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № 832). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2.2-учебный корпус, корпус «Б», 1-этаж, 7-комната. Тел/факс: (+99871) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «21» 02 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 4 от «21» 02 2022 г.).



Г.И. Шайхова

Г.И. Шайхова

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Д.Ш. Алимухамедов

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б. Саидов

А.Б. Саидов

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Введение (аннотация диссертации (PhD) доктор философии)

Актуальность и значимость темы диссертации. В мире каждые 5 минут умирают пациенты с разными эндокринными заболеваниями, в том числе и от диабета. Известно, что каждый год от диабета умирают около 5 млн. человек. В судебно-медицинской практике если смерть наступила в результате болезни, то необходимо подтверждение диагноза, например, при сахарном диабете. Бывают случаи, когда нет сведений об умершем, родственники не знают об истории его болезни или даже сам человек не знает о том, что он был болен сахарным диабетом. В таких случаях подтверждение диагноза сахарного диабета после смерти играет важную роль. Подтверждение диагноза сахарного диабета после смерти, используя трупные срезы очень сложно. Это объясняется отсутствием соответствующих специфических морфологических изменений. В связи с этим подтверждение сахарного диабета после смерти имеет особо важное значение. На практике показатели углеводного обмена обычно определяют изучением содержания глюкозы в спинномозговой жидкости, а также кетонных соединений в шишковидном теле или в других жидкостях и в крови трупа. Сложность диагностирования сахарного диабета в судебной медицине связано также с различной его этиологией, с атипичным течением диабета, с отсутствием всех необходимых, достоверных данных. Изменения соответствующие сахарному диабету могут быть связаны с другими заболеваниями, влияющими на углеводный обмен. Биохимический анализ содержания гликированного гемоглобина, дает возможность эксперту оценить ретроспективно содержание глюкозы в крови при сахарном диабете. Учитывая все вышеизложенное, можно утверждать, что проведение судебно-медицинской экспертизы при скоропостижной смерти детей с сахарным диабетом I-типа является одной из сложных и актуальных проблем современной судебной медицины.

Во всем мире уделяется особое внимание научным исследованиям, направленным на улучшение и развитие судебно-медицинской экспертизы при скоропостижной смерти детей с сахарным диабетом I-типа. В этой связи ретроспективный анализ выводов (данных) судебно-медицинской экспертизы при скоропостижной смерти от сахарного диабета I-типа, изучение состояния патологии внутренних органов, а при подтверждении диагноза сахарного диабета изучение показателей интоксикации, также выработка критериев биохимической диагностики дополнительного костного метаболизма на трупах детей приобретает особую важность.

В нашей стране проводятся определенные меры, направленные на совершенствование системы здравоохранения, повышение качества диагностики, лечения и профилактики различных соматических заболеваний, в том числе на более глубокое изучение судебно-медицинской диагностики внезапной смерти у детей под влиянием осложнений сахарного диабета. В

